

Орден, медал ва унвон фидойи меҳнат эвазига берилган юксак баҳо бўлиб, унинг таркибида маълум микдорда кимматли металл улуши ҳамда муайян совга-саломлар ҳам бўлади. Хўш, орден, медал дегани нима?

«Орден» - лотинча «ordo» - «даража» деган атама бўлиб, у харбий ёки фукаролик бурчини аъло даражада адо этганлик, кахрамонлик кўрсатганлиги учун бериладиган кимматбаҳо металлдан ясалган кўкрак нишони хисобланади.

Орденлар дунёда дастлаб Рим католик империяси даврида расм бўлган Монархия ташкилоти аъзоларига, харбийларга, бошқалардан ажралиб туриш учун берилган имтиёз нишонаси вазифасини бажарган.

Орденнинг арабча синоними «мукофот» деб аталган ва тарихда махфий хизматларни тақдирлаш учун ҳукмдорлар томонидан топшириладиган кимматли нишон, белги, баъзан номи ёзилган ханжар (килич), тўппонча, орден ёки пул мукофотидир. Шарк мамлакатларида ер-мулк, уй-жой, сарой, хатто канизаклар ҳам мукофот тарикасида берилган.

Орден ва медаллар, мукофоту унвонлар, совга ва инъомларга эга бўлиш хар кайси ижтимоий-сиёсий даврнинг ўз талаб ва эҳтиёжлари, мафкураси билан боғлиқ ҳолатларни акс эттирувчи кўзгу, яна ҳам тўғрироғи, тарих драмасига ўхшайди.

Эсга олайлик, «Авесто»дек таълимотни эгаси аллома Зардушт (эрадан аввалги 689-612 йиллар), хамюртимиз Мухаммад Мусо ал Хоразмий, Ибн Сино, ал Беруний, ал Бухорий, Нажмиддин Кубро, Пахлавон Махмуд, Алишер Навоий Машраб, Мунис, Огахий, Мукикий ёки Аваз Ўтар ўғли каби улугларнинг бирон орден ёки нишонлари бўлганми? Йўқ, албатта.

Вактни олий ҳакам дейдилар. У ҳамма нарсани: буюк салтанатлар, шоҳу гадони, олим ёки золимни ўзининг бекиёс адолат тарозусида ўлчаб, жой-жойига кўяди. Эл-юрт, авлодлар, хар қандай шахснинг ҳақиқий баҳосини беради ва муносибларни муносиб сифатлар билан шарафлайди.

Ўз эл-юрти учун меҳнат қилган эдилар

Хива тарихчилари Мунис, Огахий, Баёнийларнинг ёзишларича, уруш пайтида душманлар билан бўлган жангларда голиблар мағлуб ёғийнинг кесиб келтирилган боши, бурни ёки қулоғи микдорида тилло пул билан мукофотланган. Лашкарбошилар ишғол этилган қалъа учун туман ёки ўлкага ҳоким этиб тайинланган.

Чор Россияси даврида I, II, III даражали «Георгий Екатерина» каби орден-нишонлар таъсис этилган. Харбий соҳадаги катта хизматлари учун баъзи генералларга ер-мулк, уезд, хатто губерниялар ҳам мукофот тарикасида бериб юборилаверган.

1873 йилда рус подшоҳи Александр I буйруғи билан Хивани эгаллашдаги хизматлари учун оз эмас, кўп эмас нақд 14 минг дона медал зарб этилган. 1883-1917 йилларда Хива хонлари Мухаммад Раҳимхон II (Феруз), Асфандиёрхон, Ислоҳ Хўжа каби 20 киши Россия ҳукуматининг орден-медал ва харбий унвонлари билан тақдирланган.

Шўролар ҳокимияти йилларида 89 хил орден, медал, унвонлар таъсис этилган. 1933-1945 йилларда собиқ Иттифокда таъсис этилган «Ленин ордени», «Социалистик Меҳнат

кахрамони», «Суворов», «Кутузов» «Александр Невский», «Кизил Юлдуз» сингари унвон ва нишонлардан ташкари Москва, Ленинград, Киев, Одесса, Минск, Берлин, Будапешт, Варшава, Прага каби шаҳарларни немис-фашистлардан озод этилгани учун кўрак нишонлари билан тақдирланганларнинг сони бир неча миллион кишини ташкил этади. Улар орасида 268 киши жарима (штрафной) батальонларида хизмат килган, Сибирдаги камок лагерларидан тўппа-тўғри жангга жўнатилган собик «халк душман»лари бўлган. Иккинчи жаҳон уруши ва ундан кейинги тинч қурилиш йилларида Ўзбекистондан сал кам бир минг нафар пахтакор, қурувчи, ижодкорлар собик шўролар ҳукуматининг Меҳнат Каҳрамони ва олий орденларига сазовор бўлишган. Ижтимоий-сиёсий тузум қандай бўлганлигидан қатъий назар, улар ўз халқи, ўз оиласи, эл-юрти рағнақи йўлида фидоқорона меҳнат қилган эдилар...

Инсоний бурч

Даҳолар шунинг учун ҳам даҳоқи, улар илм-фанни, адолат ва ҳалолликни ҳамма нарсадан устун қўядилар. Манбаларда қелтирилишича, Хуросон ҳукмдори Маҳмуд Ғазнавий қимматбаҳо ер ости бойлиқлари қалитини тоғанлиғи учун Беруний ҳазратларига муқофот тариқасида икки туя олтин-қумуш ҳадя этади. Аллома «Мол-дунё, бойлик - мени илм-фандан қалғитиб қўяди» - деб муқофотни қайтариб юборган экан. Худди шунингдек, рус ёзувчиси Лев Толстой инсонларга қирғин қелтирувчи портловчи модда - «динамит» ишлаб қикариш ва сотишдан қеладиган даромад асосида таъсис этилган Нобел муқофотини рад этган экан.

Шуни алоҳида таъқидлаш жоизқи, Истиклол шарофатидан улуг элдошларимизнинг бебаҳо меҳослари халқ мулкига айланди. Уларга атаб бог ва уй музейлар барпо этилди, асарлари қўп нусхада босиб қикарилди, юбилейлари нишонланди, ҳайқал-ёдғорлиқлар ўрнатилди. Энг муҳими, уларнинг номи билан аталувчи «Ал Беруний», «Маҳмуд Қошғарий», «Бехзод», «Зулфия», «Бердақ», шунингдек «Офарин», «Нихол» каби Давлат муқофотлари таъсис этилди. Энг сара адабиёт, санъат, архитектура, рассомлик соҳасидаги илмий ва бадиий асарлар муаллифларига юқоридаги каби миллий муқофотлар тақдим этилади.

Халқимизнинг минг йиллик тарихидан дарак берувчи тилло тангалар, тақинчоклар, уй-рўзғор буюмлари, нишонларни қелажак авлодлар учун асраш ҳам қин инсоний бурчимиз ҳисобланади.

Қомилжон Нуржонов ўлкашунос тадқиқотчи